

**Кузги буғдойни озиклантириш.
Шодийева Хилола Фахриддиновна
sh.f.hilola@gmail.com**

Термиз агротехнологиялар ва инноватсион ривожланиш институти

Аннотация

Кузги буғдой дон ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлар муҳим ўринни эгаллайди. Кузги буғдой озика моддаларига ўта талабчан экин бўлиб, дон ҳосилдорлигининг 50 % дан ортиғи минерал ўғитлар ҳисобига тўғри келади. Буғдойнинг 1 ц дон ҳосили ва шунга мос равишда сомон ҳамда илдиз массаси шаклланиши учун азот 3-3,5 кг, фосфор 1,2-1,8 кг, калий 2,0-2,3 кг талаб этилади. Шу сабабли буғдойдан юқори ҳосил етиштириш учун ушбу моддаларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш зарур.

Резюме

В повышении урожайности озимой пшеницы важную роль играют минеральные удобрения. Озимая пшеница очень требовательна к питательным веществам, более 50% урожайность получается за счёт минеральных удобрений. Для получения 1 ц зерна пшеницы, соответственно этому соломы и корневой массы требуется 3-3,5 кг азота, 1,2- 1,8 кг фосфора, 2,0-2,3 кг калия. Поэтому для получения высокой урожайности пшеницы необходимо полностью удовлетворить потребности в этих элементах.

Annotation

Fertilizers play an important role in increasing the productivity of autumn wheat. Autumn wheat is a highly demanding crop, with more than 50% of the grain yield accounted for mineral fertilizers. Nitrogen required 3-3.5 kg of phosphorus, 1,2-1,8 kg of phosphorus and 2,0-2,3 kg of potassium for 1 kg of wheat grain and, respectively, for the formation of straw and root mass. Therefore, to cultivation high yields of wheat, it is necessary to fully meet the demand for substances.

Калит сўзлар

Тупрок, вариант, такрорлаш, қайтариқ, эгат, тежамкор, суғориш, ўғитлаш, иқтисодий самарадорлик, ҳосилдорлик, сифат кўрсаткич.

Ключевой слова

Почва, изменение, вращение, борозда, экономия, полив, удобрения, экономическая эффективность, урожайность, качество.

Keywords

Drop, option, repeat, return, furrow, thrift, watering, fertilizing, cost-effectiveness, productivity, quality indicator.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида республикаимиз аҳолисини дон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини мамлакатимизда етиштирилади дон

эвазига қондириш, ғалла мустақиллигига эришиш қишлоқ хўжалигида устивор қилиб қўйилди. Республикамизнинг қишлоқ хўжалик тизимида иқтисодий ислохотларни ўтказилиши, айниқса юртбошимиз томонидан ғаллачиликни ривожлантиришга қаратилган муҳим қарор ва фармойишлари қабул қилиниши ва уларни тўла-тўқис ижро этилиши натижасида мамлакатимиз ғалла мустақиллигига тўлиқ эришди.

Республикамизда ғаллачиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини тўғри белгилаш, моддий техника баъзасини мустаҳкамлаш, серҳосил, касалликлар, зараркунандалар ва ётиб қолишга чидамли, дон сифати юқори, кучли буғдой навларини яратиш ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, минтақанинг тупроқ-иқлим шароити, нав хусусиятларига мос технологиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда ғаллачиликдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Кузги буғдой дон ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлар муҳим ўринни эгаллайди. Кузги буғдой озиқа моддаларига ўта талабчан экин бўлиб, дон ҳосилдорлигининг 50 % дан ортиғи минерал ўғитлар ҳисобига тўғри келади. Буғдойнинг 1 ц дон ҳосили ва шунга мос равишда сомон ҳамда илдиз массаси шаклланиши учун азот 3-3,5 кг, фосфор 1,2-1,8 кг, калий 2,0-2,3 кг талаб этилади. Шу сабабли буғдойдан юқори ҳосил етиштириш учун ушбу моддаларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш зарур .

Юқори дон ҳосили етиштириш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш учун режалаштирилган ҳосил билан ўсимлик ўзлаштирадиган озиқа элементлари ерга қайтарилиши керак.

Кузги буғдойнинг яхши ўсиб ривожланиши ва юқори дон ҳосили етиштиришда ўсимликнинг мавсум давомида озиқа элементлари билан мунтазам равишда таъминланишига боғлиқ. Ўғитлар самарадорлиги ўсимликнинг барча озиқа элементларга эҳтиёжи тўлиқ қондирилишига, яъни ўғитлар биргаликда қўлланилишига қараб аниқланади. Озиқлантиришни илмий асосда ташкил этиш тупроқ унумдорлиги, нав хусусияти ва ўсимликнинг озиқага бўлган эҳтиёжига кўра белгиланади.

Буғдойдан юқори дон ҳосили олиш учун минерал ўғитларни $N_{180-210}$, $P_{125-150}$, K_{90-105} кг/га меъёрга қўллаш тавсия этилади .

Кузги буғдой етиштиришда минерал ўғитлар меъёрини тўғри белгилаш билан бирга мақбул муддатда берилишини таъминлаш лозим. Ўғитларни қўллаш муддати дон сифатига сезиларли таъсир кўрсатишини таъкидлаш керак. Минерал ўғитлар шудгор остига, экиш олдидан ва вегетация даврида тушлаш, найчалаш ва бошоқлашда берилади. Асосий ўғит сифатида

ҳаракатчанлиги паст бўлган фосфорли ва калийли ўғитлар экиш олдида берилса, вегетация даврида озиклантиришда азотли ўғитлар қўлланилади.

Кузги буғдойни озиклантириш бир неча босқичларда амалга оширилиб, бунда озиклантириш сони муддатига эътибор қаратилади.

Буғдой экилган майдонларда эрта баҳорда ўсимликнинг илдиз тизими жойлашган тупроқ қатламида азот миқдори камайиб кетади. Шу сабабли эрта баҳорда азотли ўғитлар билан озиклантириш шарт. Эрта баҳорги озиклантириш муддати 10-20 февралга тўғри келиб, азотли ўғитлар йиллик меъерининг 25 фоизи берилиши тавсия қилинади.

Эрта баҳорда бериладиган азотли ўғитлар меъери ўтмишдош экин тури ва тупроқнинг ҳайдалма қатламдаги нитратли азот миқдорига қараб ҳам белгиланади. Агар кузги буғдой дуккакли экинлардан кейин экилган бўлса, гектарига 35-40 кг, бошоқли дон экинларидан кейин 50-65 кг, кунгабоқар, маккажўхори ва ғўзадан кейин 75-80 кг соф ҳолда азотли ўғит берилиши юқори самарали ҳисобланади.

Озиклантириш биринчи навбатда ривождан орқага қолаётган майдонлардан бошланади. Азотли ўғитлар билан кузги буғдойни эрта баҳорда озиклантириш майсаларнинг эрта баҳорги кўзғалиш муддатига яқин бўлиши, кунлик ўртача ҳарорат 4-5 °C даражани ташкил етиш лозим. Жуда эрта ёки кеч озиклантиришнинг самараси паст бўлади.

Эрта баҳорги озиклантириш тупланишни жадаллаштиради ва кўпроқ маҳсулдор поялар шаклланади. Буғдойдан мўл ҳосил етиштириш учун 1 кв.м майдонда 400-500 дона ўсимлик, 500-600 дона бошоқ шакллантириш лозим. Эрта баҳорги озиклантириш ўз вақтида ва сифатли ўтказиш гектаридан 5-6 ц кўшимча дон ҳосили етиштириш имконини беради.

Кузги буғдойни навбатдаги озиклантириш найчалош даврининг бошланишида ўтказилади.

Маълумки, ривожланишнинг найчалош даври қисқа 25-30 кун давом этади. Шу вақт давомида ўсимлик бутун ўсув даврида тўплайдиган биологик массанинг қарийб 50-60 фоизини тўплайди. Бу даврда озиклантиришни самарали ўтказиш учун энг аввало навларнинг биологик хусусиятларига, тезпишарлигига эътибор берилади.

Иккинчи озиклантириш эртапишар навлардан бошланади, чунки эртапишар навлар кечпишарга нисбатан 8-10 кун эрта найчалош даврини бошлайди.

Буғдой найчалош даврида ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш жараёни жадал кечади, вегитатив органлари кўпайиб, поялар сони ортади. Бу даврда намлик ва озиқа элементлари етишмаслиги ҳосилдорликнинг сезиларли

даражада пасайишига олиб келади. Шу сабабли найчалаш даврида азотли ўғитлар йиллик меъерининг 45 фоизи берилади.

Кузги буғдойни учинчи озиклантириш бошоқлаш даврида амалга оширилади. Бошоқлаш даврида озиклантириш меъёри ўсимликнинг барг хужайралари шираси таркибидаги азот миқдорига қараб белгиланади. Кузги буғдой экилган майдонларда учинчи озиклантириш берилса, бошоқлар ва донлар йирик бўлади, дон ҳосилдорлиги 3-4 ц/га ортади. Бошоқлаш даврида озиклантириш асосан дон сифатига, доннинг технологик кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади, оқсил ва клейковина миқдори сезиларли даражада ортишини таъминлайди.

Учинчи озиклантиришда азотли ўғитлар йиллик меъерининг 15-20 фоизини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Азотли ўғитлар йиллик меъёри 180 кг/га бўлганда экиш олдидан культивация билан 30 кг, эрта баҳорда туплаш даврида 75 кг, найчалаш даврида 75 кг, ёки экиш олдидан культивация билан 60 кг, эрта баҳорда 90 кг ва бошоқлаш даврида 30 кг берилиши мумкин. Азотли ўғитларни бир қисмини 30 кг/га бошоқлаш даврида берилиши ҳосилдорликни оширмасда, дон таркибидаги оқсил клейковина миқдорини оширади. Кучли буғдой ўстиришда бошоқлаш даврида ўтказилган озиклантириш муҳим аҳамиятга эга .

Азотли ўғитлар албатта ёғингарчилик ёки суғориш билан уйғунлашган ҳолда қўлланилиши лозим. Қуриган тупроқ юзасига азотли ўғитларни солиш самара бермайди, ҳавога газ ҳолида қўшилиб кетади.

Фосфорли ўғитларнинг 80 фоизи, калий ўғитининг ҳаммаси шудгор остига ёки экиш олдидан солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 20 фоизи экиш билан бирга азотли ўғит билан қўшиб солиниши, азотли ўғитнинг қолган қисми 75 кг баҳорда тупланиш даврида ва 75 кг найчалаш даврида берилиши ҳам яхши самара беради.

Хулоса қилиб айтганда, кузги буғдойни озиклантиришда НРКнинг нисбатларини, меъерини ва муддатларини тўғри белгилаш ҳамда табақалаштириб бериш буғдой ҳосилдорлигини оширибгина қолмай, сифат даражасини ҳам ошишига имкон яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Б.Сулаймонов, Б.Болтаев, Р.Тиллаев, Ш.Абдуалимов – Кузги буғдой ва ғўза етиштириш асослари. Тошкент-2017 й. “Наврўз” нашриёти. 124-бет.
2. О.Якубжонов, С.Турсунов, Ж.Муқимов – Дончилик. Тошкент-2009 й. “Янги аср авлоди”. 304-бет.
3. Найдаров, Ножиматовлар 1976 „, О‘zbekiston o‘simliklari”

VOLUME-1, ISSUE-4

4. Xalmatov, Xarlamovlar 1981 Lechevnie svoystva pishevix rasteniy-T
5. Yusupov 1981 „Anor qalamchalaridan ko’paytirish” Maqola
6. O’zbekiston milliy ensiklopediya 2000-2005
7. Qizi, Hamidova Dilrabo Chori, et al. "JASMIN (JASMINUM) TURKUMI." *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches* 1.6 (2023): 53-56.
8. Qizi, Jo‘Rayeva Go‘Zal Davlat, Shaymanov Sherzod Kamol O‘G‘Li, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "GO ‘ZAL KATALPANING MARFOLOGIYASI VA MANZARAVIYLIK XUSUSIYATLARI." *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches* 1.6 (2023): 46-49.
9. Jumageldiyevna, Gulshan Nurmatova, Abdurayimova Mujgona Abdujalilovna, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "PISTA (PISTACIA) TURKUMI." *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches* 1.6 (2023): 36-38.
10. Jumageldiyevna, Gulshan Nurmatova, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "KIVI O‘SIMLIGI HAQIDA." *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches* 1.6 (2023): 12-17.
11. Jumageldiyevna, Gulshan Nurmatova, Abdurayimova Mujgona Abdujalilovna, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "QAYRAG ‘OCH (ULMUS) TURKUMI." *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches* 1.6 (2023): 32-35.
12. Abdullayev, Muxtorjon, and Samandarbek Mamarajabov. "VARIETIES AND ACHIEVEMENTS OF WHEAT PLANT SELECTION IN UZBEKISTAN." *Eurasian Journal of Academic Research* 2.11 (2022): 100-104.
13. Xayitovna, Pirimqulova Muxabbat, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "Cauliflower Growing Technology." *Texas Journal of Multidisciplinary Studies* 6 (2022): 8-10.
14. Xayitovna, Pirimqulova Muxabbat, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "KARTOSHKANING TARQALISH HUDUDLARI." *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI* 2.18 (2023): 209-212.
15. Abdukarimovna, Abdukarimova Mamlakat, Kulmurotova Aziza Muhiddinovna, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "TOMATO PESTS." *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities* 11.2 (2023): 427-430.
16. Xayitovna, Pirimqulova Muhabbat, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "Types of corn grown in Uzbekistan and their peculiarities." *Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences* 3 (2022): 59-63.

VOLUME-1, ISSUE-4

17. Qizi, Xushvaqtova Muhlisa Nuriddin, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "ACHCHIQ BODOM TURKUMI." *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches* 1.6 (2023): 141-149.

18. Faxriddinovich, Mamarajabov Samandarbek. "ZIRK (BERBERIS) TURKUMI." *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI* 2.16 (2023): 690-694.

19. Jumageldiyevna, Gulshan Nurmatova, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "ZARANG (ACER) TURKUMI." *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches* 1.6 (2023): 6-11.

20. Xudaynazarovna, Ashurova Muxlisa, Muxammadiyeva Gulchiroy Raxmonovna, and Mamarajabov Samandarbek Faxriddinovich. "O'G 'ITLARNING TURLARI-XUSUSIYATLARI, TUPROQ STRUKTURASIGA VA O'SIMLIK HOSILIGA TA'SIRI." *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI* 2.18 (2023): 204-208.